


Рассом В. Евенко чизган расм.

**Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — Ленин йўлидан коммунизм сари, олға!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 АПРЕЛЬ 1970 й.
5-йил чиқиши.
СЕШАНБА
№ 94 (1162).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Ленин ва Тошкент

Партия ва халқ доҳийси, буюк саркарда ва стратег, фан доҳийси, толмас ғоявий жангчи ва ташкилотчи эди Владимир Ильич Ленин. У янги ҳаётни ижод қилар, янги ҳаёт ҳақида орзу қилар эди. Ўз орзуларини амалга оширди ҳам.

Ильич барча меҳнаткашларнинг бахтини ўйлади. Шарқ хотин-қизларини паранжи-чачвонни улоқтириб ёруғ жаҳонга гўзал чеҳрасини кўрсатишини ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишини ўйлади. Ильич электр нурлари бутун мамлакатни ёрқин нури билан тўлдиришини, юз минг трактор ишлашини, Ўрта Осиёнинг сувсиз саҳролари гуллаб-яшнашини, барча совет кишилари маълумотли бўлишини ўйлади.

Владимир Ильич Лениннинг барча орзулари рўёбга чиқди. Ер куррасининг учдан бир қисмидан кўпроқ халқлари социализм ва коммунизм байроғи остида бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. Шарқ хотин-қизлари эркин ва озод бўлишди, завод ва фабрикаларда, илмий лабораториялар ва қурилишларда меҳнат қилмоқдалар.

Ленин нури мамлакатнинг барча жойларига, шунингдек ҳар бир тошкентликнинг хонадонида ҳам порлаб турибди. Бу ҳам электр нури ҳам билим нуридир. ГОЭЛРО плани бўйича дастлабки гидростанциялардан бири Тошкентда қурилди. Ўрта Осиёда биринчи дорулфунун бундан ярим аср муқаддам шаҳримизда очилди. Шундай қилиб, саводсизлик тугатилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ артелларида юз мингдан ортиқ трактор бор. Куни-кеча конвейердан «Тошкент» трактори чиқди.

Сувсиз чўллар кун сайин орқага чекинмоқда. Тошкентнинг юзларча олимлари шу мақсадда меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг меҳнати ўз самарасини бермоқда. Тошкентликлар илгари чўл бўлган ҳозир боғи-бўстон жойларнинг ширин-шакар меваларини истеъмол қилишяпти.

Владимир Ильич Ленин ҳар бир тошкентликнинг оиласида — эгарчи Саидқосим Алимхўжаев билан темирйўлчи Владимир Невзгоданикида ҳам, кекса коммунист пенсионер Тўхтаназар Охунов билан цех бошлиғи Ставрос Димитристникида ҳам, олимлар Абдулла ва Абдуллахат Зоҳидовларникида, яна минглаб хонадонларда ҳам бўлган. У бу уйларга ўз оёғи билан кириб келган бўлмаса-да, бундай хонадонларга бахт ва маданият тақдим этган. Улар гўзал ва қулай уйларди яшашмоқда. Инженер ва олимлар ўз меҳнатлари юксак тақдирланганини кўриб қувонадилар. Бунинг учун улар В. И. Ленин вужудга келтирган коммунистлар партиясидан чексиз миннатдорлар.

Б. И. Ленин бизга Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишни, халқларимиз ўртасидаги қудратли дўстликни, ишчи ва деҳқон ҳамкорлигини кўз қорачиғидай асрашни васият қилган эди.

Совет халқи, ҳар бир тошкентлик Ильич васиятларини амалга оширмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг барча меҳнаткашлари Ленин беш йиллигини муддатидан илгари бажариб, советлар мамлакатининг қудратига-қудрат қўшмоқда. Тошкент халқлар дўстлигининг улкан қалъасига айланиб қолди. Бу дўстлик республика пойтахтини тиклаш ва реконструкция этишда қатнашган иттифоқдош республика вакилларининг меҳнати туфайли янада мустаҳкамланди.

Тошкентликлар Уроқ ва Болға иттифоқини мустаҳкамлаяптилар, Мирзачўл ва пойтахт областининг пахтакорларига кўплаб «оқ олтин» етиштириш ва йиғиб-териб олишда амалий ёрдам бермоқдалар. Эртага бутун совет халқи В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллигини нишонлайди. Газетанинг бу номерини «Ленин ва Тошкент» деган мавзуга бағишлаймиз. Гарчанд Ильич Тошкентга келмаган бўлса-да, ҳамиша Тошкент ҳақида, унинг одамлари ҳақида ўйлаган ва ғамхўрлик қилган. Тошкентликлар эса ҳамиша Ленин номини қалбларга жо этиб, унинг васиятларига доимо амал қилишади.

*✻ Зафарларимиз доҳий юбилейига*

### МУНОСИБ ТЎЁНА

**Бугун**

Тошкентнинг қурилиш ташкилотлари тўрт ойлик план муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди.

Шаҳримиздаги энг йирик «Главташкентстрой» қурилиш ташкилоти ана шу давр ичида 68 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

### «ЮЛДУЗ»НИНГ ЮТУҒИ

**Тўрт ойлик топшириқни доҳий юбилейигача адо этиш ташаббуси билан чиққан «Юлдуз» фирмасининг коллективи йил бошидан бери 300 мингга яқин либосни қўлдан чиқарди. Планга қўшимча равишда 2 минг 700 та эркаклар ва 1 минг 700 та болалар костюми тайёрланди.**

### 775 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитган 1-мебель фабрикасининг коллективи юбилей йили тўрт ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Шу давр ичида корхона ишчилари етти юз етмиш беш минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар.

### ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

**Бугун**

**«Шимолий - Шарқ-2» массивида 64 квартали янги уй калитлари «Узбекгидроэнергострой» тресте ишчиларига берилди.**

**Юбилей арафасида «Ташспецстрой» қурилиш бошқармаси бунёд этган бино курчилар қувончига қувонч қўшди.**

**Э. РУСТАМОВ,**
**инженер.**

### МУКОФОТГА ЯРАША

Мармар заводининг коллективи ленинча зарбдор юз кунлик вахтада ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Коллектив аъзолари маҳсулотни реализация қилиш тўрт ойлик топшириғини муддатидан ўн тўрт кун олдин адо этди.

